

Шеробод туманида куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш ва аҳолининг иссиқлик манбайига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида навбатдаги штаб йиғилиши бўлиб ўтди.



Куз-қиш мавсумида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулотлар нархи, хавфсизлиги ўта долзарб аҳамият касб этади. Қиш эшик қоқиб турган айни кунларда Шеробод туманида ҳам 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш, бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш юзасидан изчил амалий ҳаракатлар қилинаяпти.